

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Й.Солижонов</b>	
Ҳамза Ҳакимзода шеърятда лирик қаҳрамоннинг такомиллашув жараёни.....	85
<b>Ғ.Усмонов., З.Жўраева., Н.Набиева</b>	
Хорижлик адабиётшунос олимларнинг жадид адабий меросига муносабати хусусида.....	88
<b>С.Мамаюсупова</b>	
Шукур Холмирзаев ижодида мақол ва матал муносабатлари.....	91

## ТИЛШУНОСЛИК

<b>Ш.Ганиева</b>	
Ўзбек тилидаги феъл фразеологизмларда бўлишли-бўлишсизлик категорияси.....	95
<b>Ф.Абдурахмонов</b>	
Замонавий рус тилида уч актанти феълларнинг структурали-семантик хусусиятлари.....	98
<b>Д.Газиева</b>	
Матнни функционал-услубий жиҳатдан ўрганиш.....	103
<b>Н.Аббосова</b>	
Инглиз мақол ва маталларини ўргатишда ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришнинг самарали услублари.....	107
<b>М.Ҳақимова</b>	
Абстракт сўзларнинг синонимия муносабатлари.....	111
<b>Ҳ.Солихўжаева</b>	
Ўзбек тилидаги фестиваль номларини ифодаловчи геортонимлар хусусида.....	116
<b>Ш.Матназаров</b>	
Ўзбек тилидаги қишлоқ хўжалиги лексикасининг шаклланиши ва ривожланиши.....	119
<b>Н.Умарова, Н.Абдувалиева</b>	
Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони назмий ва насрий вариантларидаги айрим тафовутлар.....	122
<b>Ф.Қосимова</b>	
«Тиб қонунлари» (Абу Али Ибн Сино) асарида келтирилган касаллик номлари ва уларнинг ўзбек, инглиз тилларидаги ўзига хос лингвокультурологик жиҳатлари.....	126

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Р.Мамасолиев, Р.Солиев</b>	
Олий таълимда чет тили фанларини ўқитишнинг замонавий асослари.....	130
<b>Ш.Алимов, М.Нурматова</b>	
Чет тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантириш.....	133
<b>Д.Ҳайдарова</b>	
Чет тили дарсларида синфни бошқариш стратегиялари.....	136
<b>З.Бобоева, И.Пўлатов</b>	
Педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари.....	140

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Р.Максудов, А.Джураев, Ш.Холдоров, Н.Пўлатов</b>	
Толали материалларни тозалаш агрегати колесникли панжарасининг ишлаб чиқаришдаги синов натижалари ва самарали конструкцияси.....	143
<b>А.Юсупова, З.Муқимова, Х.Иброҳимова</b>	
Математика дарсларида стохастик компетенцияни шакллантириш.....	147
<b>Р.Маджидова</b>	
Оилавий қадриятларни изоҳловчи мақолларнинг аксиологик аҳамияти.....	149
<b>М.Мадаминова</b>	
Абу Райҳон Беруний – адабиётшунос.....	152
<b>М.Юсупова</b>	
Навоий образининг янгича талқини.....	155
<b>Х.Рахматиллаев, С.Сохибов</b>	
Ўзбек халқи анъанавий дунёқараши тизимида турли ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввурлар.....	158

УДК: 41+658.512

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЧЕТ ТИЛИ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ  
АСОСЛАРИ**

**СОВРЕМЕННЫЕ ОСНОВЫ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ В СИСТЕМЕ  
ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ**

**MODERN BASES OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES IN THE SYSTEM OF HIGHER  
EDUCATION**

**Р.Мамасолиев, Р.Солиев**

**Аннотация**

*Мақолада олий таълим тизимида талабаларга чет тили фанларини ўқитишга замонавий ёндашув, чет тили фанларини ўқитишнинг янги самарали интерактив методлари, уларнинг афзалликлари ҳамда таълимдаги самараси ҳақидаги фикрлар баён этилган.*

**Аннотация**

*В данной статье изложены современные направления обучения английскому языку студентов высших учебных заведений, эффективные интерактивные методы преподавания английского языка и их преимущества.*

**Annotation**

*In this article using pedagogical technologies, rising effectiveness of teaching, using effective interactive methods of teaching in teaching process have been elucidated.*

**Таянч сўз ва иборалар:** олий таълим, замонавий таълим, инновация, интерактив метод, технология, коммуникация.

**Ключевые слова и выражения:** высш ее образование, современное образование, инновация, интерактивные методы, технология, коммуникация.

**Keywords and expressions:** higher education, modern education, innovation, interactive methods, technology, communication.

Олий таълим узлуксиз таълимда муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ амалга оширилади. Ушбу ҳужжатларда олий таълимнинг белгиланган вазифаларидан бири юқори савияда ўқитишни таъминлаш ва малакали кадрларни замонавий таълим касб ҳунар дастурлари асосида тайёрлашдир. Олий таълим ўқитувчисининг фаолияти шахсни тарбиялаш жараёнида таълим-тарбия олиш шароитларини яратиш, унинг эҳтиёжларини қондириш ва қобилиятларини очиш ҳамда ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Олий мактаб ўқитувчисининг малакали махсус ва педагогик фанлар билан ёритиладиган икки қиррага эга бўлиши лозим ва у доимо: “Нима учун ўқитиш керак”, “Қандай ўқитиш керак” деган, саволларга жавоб топиши зарур [1].

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган масалаларни амалга ошириш мақсадида таълим муассасаларида амалий машғулотларни йўлга қўйиш, шунингдек, назария билан амалиётни боғлиқ ҳолда олиб бориш мақсадларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқувчи

айнан амалиёт орқали мустақил фикрлашга, изланишга, мавзуга ижодий ёндашиб таҳлил этишга, хулоса чиқаришга, ўз-ўзини ва гуруҳни баҳолашга ўрганади [2,65-69]. Бу жараёнда педагогдан юксак касбий маҳорат ва салоҳият талаб қилинади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда ушбу мақоламизда олий таълим тизимида талабаларга хорижий тилларни ўқитишда педагогдан талаб қилинадиган вазифалар, хорижий тил ўқитиш методлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз боради.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар(инновацион педагогик ва ахборот технологиялари)дан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш, эътибор кундан кунга кучайиб бормоқда. Замонавий технологиялар қўлланилган машғулотлар талаба(ёки ўқувчи)лар эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига қаратилган. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши,

*Р.Мамасолиев, Р.Солиев – ФарДУ факультетлараро чет тиллари кафедраси ўқитувчилари.*

шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан бир қаторда, бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бундай ўқув жараёнида (ёки ўқувчи) асосий фигурага айланади [1].

«Инновация» сўзи инглиз тилидан ўзбек тилига «янгилик», «янгилик киритиш», деб таржима қилинади. Таълимда инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади. «Интерфаол» тушунчаси ўзаро ҳаракат қилмоқ ёки ким биландир суҳбат, мулоқот тартибда бўлишни англатади. Унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлашни ўрганадилар. Интерфаол дарсларда ўқитувчининг ўрни қисман талабаларнинг фаолиятини дарс мақсадларига эришишга йўналтиришга олиб келади.

Олий таълим тизимида чет тили фанларини ўқитишда ҳам инновацион технология ва интерактив методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чет тили фанларини чуқур ўзлаштириш масаласига катта эътибор берилаётган бугунги кунда бу технологиялар алоҳида аҳамият касб этади. Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида чет тилларни ўқитишнинг замонавий технологиялари, усулларини яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш масалалари бугунги куннинг долзарб масаласига айланган [3].

Олий таълим муассасаларида чет тили фанларини ўқитишда ўқув адабиётларини замонавий технологиялар асосида ташкил

қилишда турли кўринишдаги воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу бўйича электрон дарсликларни яратишда компьютер имитацион моделлари ёрдамида инглиз тилида ўқитилаётган мавзунинг мазмун-моҳиятини очиб беришга эътибор қаратилади. Компьютер имитацион моделлар асосида ўқув жараёнини ташкил қилиш имконияти чет тили фанларини ўқитишда дарсларни жонли тарзда ўтишга имконият яратса, айрим мавзуларни ўқитишда эса жараёнларни кузатиш, уларни такрор кўриш имконини беради. Шунингдек, бундай асосда олиб борилган тайёргарлик натижасида берилган мавзу бўйича тушунчаларни ўзлаштириш ва грамматик қоидаларни эсда қолдириш имконияти кенгайди.

Таълимда «технология» сўзи дарс ўтиш жараёнидаги амаллар кетма-кетлигини англатади. Янги инновацион технология эса талаба ёки ўқувчиларга ўтиладиган дарсга янгича, замонавий усул ва воситаларни олиб кириш демакдир. Бугунги кунда инновацион технологияларнинг тури жуда кенгайиб кетди. Олий таълимда талабаларга чет тили фанларини ўқитишда қуйидаги технологиялардан фойдаланиш мумкин.

«Танишув» технологияси. Унинг мақсади аудитория жамоаси аъзоларини бир-бирлари билан таништириш, самимий, дўстона муносабат ва ижодий муҳитни юзага келтириш, талабаларнинг ижодий имконияти ва шахсий сифатларини очиш ҳамда аудиториянинг ишлаши учун қулай шароитни вужудга келтиришдир.

«Тушунчалар таҳлили» услуги. Ушбу услубнинг моҳияти шундан иборатки, ўтилган ўқув предмети ёки бўлим барча мавзуларини талабалар томонидан ёдга олиш, бирор мавзу бўйича ўқитувчи томонидан берилган тушунчаларга мустақил равишда ўз изоҳларини бериш, шу орқали ўз билимларини текшириб баҳолашга имконият яратиш ва ўқитувчи томонидан қисқа вақт ичида барча талабаларни баҳолай олишга йўналтирилган. Унинг мақсади эса талабаларни машғулотда ўтилган мавзунинг эгаллаганлик ва мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириб олинганлик даражаларини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларининг билим даражаларини баҳолай олиш, яққа ва гуруҳларда ишлай олиш,

сафдошларининг фикрига ҳурмат билан қараш, шунингдек, ўз билимларини бир тизимга солишга ўргатишдан иборат. Ушбу услубни ўқув машғулотларининг барча босқичларида ёки ўқув предметининг бирор бўлими тугалланганда ўтилган мавзуни ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралиқ ва якуний назорат ўтказиш учун, шунингдек, янги мавзуни бошлашдан олдин талабаларнинг билимларини текшириб олиш учун мўлжалланган [3,207]. Ушбу услубни машғулот жараёнида ёки машғулотнинг бир қисмида яққа, кичик гуруҳ ҳамда жамоа шаклида ташкил этиш мумкин. Ушбу услубдан уйга вазифа беришда ҳам фойдаланса самара беради.

“Зинама зина” технологияси талабаларни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзу бўйича яққа ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда хотирлаш, ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикрларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма, расм, чизма кўринишида ифода қилишга ўргатади. Ушбу технология талабалар билан бир гуруҳ ичида яққа ҳолда ёки гуруҳларга ажратилган

ҳолда ёзма равишда ўтказилади [1,23-30]. Технологиянинг мақсади шундан иборатки, у талабаларни эркин, мустақил ва мантиқий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб, улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга, жамоага ўз фикри билан таъсир эта олишга, уни маъқуллашга, шунингдек, мавзунинг таянч тушунчаларига изоҳ беришда эгаллаган билимларини қўллашга олишга ўргатади.

Олий таълим муассасалари талабаларига чет тили фанларини ўқитишда, талабаларни инглиз тилида мустақил ва ижодий фикрлашга, инглиз тилида ўз фикрини эркин баён эта олишда ушбу интерактив метод ва технологияларнинг аҳамияти ва самараси катта. Айниқса, амалий машғулот дарсларини ўқишда уларни қўллаш мақсадга мувофиқ. Улар талабаларда тўпланган фикрларни ва ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, умумлаштира олиш, уларни оғзаки, ёзма ва тақдирот тарзида баён эта олиш кўникмаларини ривожлантиради.

#### Адабиётлар:

1. Ишмухамедов Р. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: Истеъдод, 2008.
2. Суворова И. Интерактивное обучение: новые подходы. – М., 2005.
3. Бобоева Н. Олий таълимда чет тили фанларини ўргатиш жараёнида интерактив усуллардан фойдаланиш афзалликлари. – ЎзМУ хабарлари. -2006 йил, 1-сон.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор).